

ХАРАЖАТЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ РИСКИ ВА УЛАРГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Холбеков Расул Олимович –

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси профессори, и.ф.д.

Аннотация. Ушбу мақолада ҳўжалик юритувчи субъектларида корхона рискларининг пайдо бўлиш сабаблари, рискларнинг пайдо бўлишига таъсир этувчи омиллар, риск турлари, рискларнинг бухгалтерия ҳисоби усуллари билан боғланиш тартиби, рисклар бўйича харажатлар ҳисобни ташкил қилиш муаммолари ўрганиб чиқилган. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида фаолият юритаётган ҳўжалик юритувчи субъектларининг рисклар бўйича харажатларни такомиллаштириш борасида тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ҳисоб сиёсати, “таваккалчилик” тамойиллари, молиявий рисклар, иқтисодий рисклар, ишлаб чиқариш рисклари, ташқи ва ички рисклар, рисклар бўйича харажатлар, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига харажатлар, келгуси давр харажатлари.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига кириб келаётган цивилизациялашган бозор муносабатларининг кириб келиши амалдаги ҳўжалик юритиш механизмидаги мавжуд усулларга янгича ёндашувни талаб қилади. Кескин ўзгарувчан бозор муносабатлари шароитда барча ҳўжалик юритувчи субъектлар рақобатли бозорда ғолиб бўлиши учун ноанъанавий усуллардан фойдаланиб юқори даромад олишга ҳаракат қилади. Бундан ҳўжалик юритувчи субъектлар “таваккалчилик” тамойилларига таянган ҳолда иш юритадилар. “Таваккалчилик” тамойиллари қўллаш билан бирга бозор инфратузилмаси бир элементи сифатида ҳисоб тизимини такомиллаштириб бориш зарурияти туғилади. Бизга маълумки ҳар қандай ҳаракат натижасида албатта харажатлар содир бўлади. Харажатларнинг бошқарилиши бухгалтерия ҳисоби усуллари орқали тартибга солиб турилади.

Ҳозирги вақтда бухгалтерия ҳисоби ўз тарихидаги энг қийин босқичлардан бирини бошдан кечирмоқда. Қисқа вақтлар ичида бухгалтерия ҳисоби назарияси ва амалиётида замонга мос ҳолда жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Бухгалтерия ҳисоби жараёнларини меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашни ривожланган бозор муносабатларига мослаштириш ва такомиллаштирилиши муносабати билан унинг методологиясида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Ҳозирги вақтда бухгалтер ўзининг бошқарувдаги функцияларини кенгайтиришга интиломоқда.

Маҳаллий ва халқаро бухгалтерия ҳисобининг афзалликларига бўлган услублари ва усуллари билан фойдаланган ҳолда ислохотларни амалга ошириш билан молиявий ҳисоботни халқаро стандартларига ўтиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бу, бир томондан, режалаштириш, тартибга солиш, молиявий таҳлил ва назорат қилишнинг ахборот таъминотида муваффақиятли иштирок этиш ва маъмурий фаолиятнинг тезкор молиявий маълумотлардан фойдаланиш имконини беради. Янги тараққиёт тизимининг маъноси, асосан, мамлакат томонидан белгиланган ва ишлаб чиқилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида ҳўжалик юритувчи субъектларга мавжуд муаммоларни ҳал қилишда мустақил эркин ҳисоб сиёсатини юритиш билан белгиланади.

Ҳар бир ҳўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини ривожлантириш билан даромад олиш мақсадида таваккалчилик асосида рискларни амалга оширадидилар. Бундай рисклар натижасида маълум бир миқдорда харажатлар пайдо бўлади. Ишлаб чиқариш харажатларини бошқариш ва назорат қилишда уларни тўғри гуруҳлаш, ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш, мақсад ва йўналишни тўғри аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бухгалтерия ҳисобида ишлаб чиқариш харажатларини кузатишдан мақсад уларнинг йўналишини тўғри аниқлашдан иборат. Алоҳида олинган мақсадга йўналтирилган жараёнлар ва буни натижасида харажатларни ҳисобга олишнинг

қандайдир шаклларини талаб қиладиган тармоқ ёки хўжалик жараёнлари рискларни пайдо бўлишини белгилайди.

Рисклар натижасида пайдо харажатлар ҳисобининг ташкил этилиш хўжалик юритувчи субъектни ҳисоби сиёсати мазмун-мохияти билан боғлиқдир. Чунки, рисклар натижасида пайдо харажатлар ҳисоби Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларида ўз акси топмаган.

“Ҳисоби сиёсати” атамасининг халқаро терминологиядаги таржимаси амалиётимизда сўзма-сўз қўлланилмоқда. Бу атама Республикамининг 1-сонли “Бухгалтерия ҳисоби сиёсати ва молиявий ҳисобот” номли бухгалтерия ҳисоби миллий стандартида мустаҳкамланган ва очиб берилган. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунга кўра “Ҳисоби сиёсати” деганда хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан уларнинг тамойиллари ва асосларига мувофиқ бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни юритиш учун қабул қилинган усуллар мажмуи тушунилади. Яъни, корхонанинг бухгалтерия ҳисоби стратегияси – бу корхонанинг ўзи томонидан белгиланган қонунлар ва корхона самарадорлигининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан холда, маълум, аниқ усулларни танлаш ҳуқуқини беради. Ушбу стандарт хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоб сиёсатининг мазмунини аниқлаб бермасида, унинг ҳуқуқий томондан ҳимоя қилади.

Хозирги кунда жаҳон бухгалтерия ҳисоби тизимидаги асосий муаммолардан бири, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларига таъсир этувчи асосий омиллардан бири бўлган ўз-ўзини молиялаштиришни ташкил этишда оқилона усуллардан фойдаланиш ҳисобланади. Бундай муаммо ҳатто энг ривожланган мамлакатларда ҳам долзарб ҳисобланади. Бугунги кунда ушбу соҳада турли хил қарашларнинг мавжудлиги ҳам бежизга эмас. Бу борада кўплаб назарий, илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмасин, илмий-техника тараққиёти натижасида муаммонинг ўрганилмаган янги қирралари юзага келмоқда. Улар орасида республикамиз иқтисодиётининг асосини ташкил этувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларини тўғри аниқлаш, ортиқча солиқлардан ҳимоялани-

шнинг асосий манбаларидан бири бўлган харажатлар ҳисобини тўғри ташкил этишда муваффақиятлар билан бир қаторда баъзи бир муаммолар ҳам мавжуд.

Адабиётлар шарҳи (услугий материаллар шарҳи). Кўпгина иқтисодчи олимлар рискларни молиявий, иқтисодий ва ишлаб чиқариш рискларига гуруҳлаб, бу борада ўз фикрларини билдирганлар.

Ўзининг лавозимида кўра, риск менежери режа менежерига ўшайди, чунки у моддий бошқарув ва таҳлилдан бошлаб, менежментнинг турли соҳаларини ўзлаштиргандан сўнг, худди шундай юқори талабларга бўйсунди. Аслини олганда, биринчи ва иккинчи мутахассис учун энг яхши асосий куч иқтисодиёт ва тармоқ ишлаб чиқаришни ташкил этишдир. Бу шуни англатадики, риск менежери молиявий ҳисоботларни қандай талаффуз қилишни билишга, молиявий таҳлилининг қуйидаги асосий хусусиятларини билишга мажбур бўлади: ликвидлик, тўлов қобилияти, барқарорлик, самарадорлик. Буларни ўрганишда хўжалик юритувчи субъектларда мавжуд бўлган ҳужжатларни (ҳуқуқий, ташкилий, молиявий, технологик) кўриб чиқиш керак бўлади.

Биринчи навбатда эътибор қаратилиши керак бўлган ҳужжатлардан бири, бу бухгалтерия ҳисоботидир. Унинг мукамаллиги бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган хўжалик жараёнларининг узлуксизлиги, баланс моддалари, иккиёқлама ёзув каби усулларга риоя қилинишидир.

Риск реклама, ижара харажатлари, фойда ва зарарлар каби тадбиркорлик фаолиятининг ажралмас қисмидир. Тадбиркор бозорда кутилаётган ўзгаришларни қанчалик тўғри ҳисобга олмасин, эртага шундай бўлишига мутлақ кафолат йўқ. Риск турлари: сиёсий, ижтимоий, кичик бизнеснинг иқтисодий рисклари, экологик ва иқлим, корхонанинг ишлаб чиқариш рисклари, тижорат ва саноат рисклари, ахборот rischi.

Хўжалик юритувчи субъектларининг таваккалчилигининг ҳар бири ташқи

ва ички рискларга бўлинади. Ташқи хавфлар тадбиркорнинг назорати остида бўлмаган таваккалчиликларни келтириб чиқаради. Ташқи хавфлар тадбиркордан мустақил бўлган хавфлардир. Бу тадбиркорлик фаолиятини

интернациялаштириш билан бевосита боғлиқ бўлган хавф бўлиб, у импорт қилувчи ва экспорт қилувчи мамлакатларнинг сиёсий ва иқтисодий барқарорлигига боғлиқ. Ушбу хавф омиллари маҳаллий хокимиятнинг номувофиқлиги, миллий тузилма ва қонунчиликнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳукумат томонидан олиб борилаётган самарасиз иқтисодий сиёсат, этник ва минтақавий муаммолар, турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларининг кескин бўлиши мумкин. Масалан: пул маблағлари rischi – бу валюта курсларининг ўзгариши билан боғлиқ.

Пул маблағлари rischi миқдори хорижий валютани сотиб олишдаги йўқотиш билан боғлиқ бўлиб, шунинг учун у тўлов вақтининг ўртасида даврни узилиши билан бевосита боғлиқдир. Экспортер учун айирбош қилишдаги йўқотишлари шартнома тузилган тақдирда тўлов курси пасайгунга қадар пайдо бўлади, чунки экспортчи тушум эвазига камроқ валютани сотиб олади. Бошқа томондан, импорт қилувчи валюта курси кўтарилганда зарар кўради, чунки уни сотиб олиш учун кўпроқ пул маблағларидан фойдаланиш керак бўлади.

Солиқ riskлари – бу икки тарафдан кўриб чиқилади, тадбиркор ва давлат. Тадбиркорнинг солиқ хавфи солиқ сиёсатининг мумкин бўлган ўзгаришлари (янги солиқларнинг пайдо бўлиши, солиқ имтиёзларини йўқотиш, солиқ ставкаларининг ўзгариши ва бошқалар). Давлатнинг солиқ хавфи солиқ сиёсати ёки солиқ ставкалари қийматининг ўзгариши натижасида бюджет даромадларининг мумкин бўлган пасайишидан иборат.

Ички riskлар – мавжуд ишлаб чиқариш кучлари ва ресурсларни нотўғри тақсимланиши корхонанинг ривожланиш суръатларига салбий таъсир қилади. Албатта, корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархини суъний ошиши, ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларини пасайишига, мавжуд ишлаб чиқариш кучлари ва ресурсларидан нотўғри фойдаланганлиги сабаб бўлади. Бундай ҳолларда хўжалик юритувчи субъектлар “ёниб кетган” материаллар таннархини оширишга мажбур бўлади. Ушбу хатарларга дучор бўлиш эҳтимоли бевосита менежернинг тажрибаси ва билимига боғлиқ.

Демак, ҳар иккала риск турлари нати-

жасида харажатлар пайдо бўлади. Riskлар бўйича харажатларни бошқариш, тартибга солиш ва ҳисобини ташкил этиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолада илмий абстракция, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, гуруҳлаш, статистик кузатиш ва ҳисобга олиш шунингдек, бухгалтерия ҳисоби каби усуллардан фойдаланилган.

Бизнесни баҳолашда хавфни ҳисобга олиш учун энг кўп чегирма ставкасини тўғирлаш усули қўлланилади. Маълумки, баҳолашда чегирма ставкасини аниқлашнинг учта асосий усули қўлланилади:

- 1) капитал активлар баҳолаш модели (CAPM);
- 2) кумулятив усули;
- 3) капиталнинг ўртача тортилган қиймати (WACC) модели.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Риск – бу муайян мақсадни амалга ошириш учун таваккалчилик ходисаларининг хафи ва оқибатларининг йиғиндисини акс эттирувчи мураккаб тушунча” деб таъриф бериш мумкин. Riskлар бўйича харажатлар эса – бу белгиланмаган (мажбурий бўлмаган) тартибда таваккалчилик асосида хўжалик юритувчи субъектлари активларининг камайишидир.

Юқорида биз берган таърифга кўра riskлар бўйича харажатлар мажбурий бўлмаган ҳолда амалга оширилиши, унинг бухгалтерия ҳисобини ҳам ихтиёрий равишда ташкил этиш тартибини келтириб чиқаради. Бунда хўжалик юритувчи субъект ўз ҳисоб сиёсатида riskлар бўйича харажатларни гуруҳлаш, ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқариш тартиби, уларни ҳисобга олувчи ишчи счётлар тизимининг таркиби ҳамда уларнинг боғланиш тартибини кўрсатишлари шарт. Мисол, хўжалик юритувчи субъектлар юқори даромад олиш мақсадида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга оширадilar. Бундай тадбирлар туфайли содир бўлган харажатлар ҳисоби Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартининг 11-сонли “Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига харажатлар” номли стандартга асосан ташкил этилади.

Стандартга кўра хўжалик юритувчи субъект тажриба-конструкторлик ишлари бўйича харажатлар Ўзбекистон республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартининг 4-сонли “Товар-моддий захиралар” ва 17-сонли ёки “Капитал қурилишга пудрат шартномалари” номли стандартларда келтирилган харажат моддалари бўйича ҳисобга олинади.

Агар бу харажатлар ишлаб чиқаришга тегишли бўлса 2010– “Асосий ишлаб чиқариш харажатлари” счётида ҳисобга олинади ва маҳсулот таннархига қўшилади. Мисол, тажриба-конструкторлик ишлари материаллар сарфланди:

Д^Т 2010 – “Асосий ишлаб чиқариш” счёти
К^Т 1000 – “Материаллар” счёти.

Агар бу харажатлар ишлаб чиқаришга тегишли бўлмаса 9400 – “Давр харажатлари” счётида ҳисобга олинади ва харажатлар маҳсулот таннархига қўшилмайди, ҳисобот ойнанинг охирида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижалари ҳисобидан қопланади.

Мисол, тажриба-конструкторлик ишлари материаллар сарфланди:

Д^Т 9400 – “Давр харажатлари”

К^Т 1000 – “Материаллар” счёти”.

Бизнинг фикримизча, илмий текшириш ва тажриба-конструкторлик ишларига қилинган харажатлар келгуси давр давр харажатлари ҳисобланади. Чунки бу ишларга қилинган харажатларнинг самараси ўша ҳисобот даврида эмас, балки келгуси ҳисобот даврида кўриниши мумкин. Бу ерда хўжалик юритувчи субъект келгусида даромад олиш учун рискни амалга оширмақда. Хўжалик жараёнларнинг мазмунидан келиб чиқиб, илмий текшириш ва тажриба-конструкторлик ишларига қилинган харажатларни юқорида кўрсатиб ўтилган счётларда ҳисобини юритиш мақсадга мувофиқ эмас. Бундай харажатларининг ўз мазмунидан келиб чиқиб, келгуси давр харажатлари сифатида тан олиб, унинг ҳисобини 3100– “Келгуси давр харажатлари” счётига қўшимча 3130 – “Илмий текшириш ва тажриба-конструкторлик ишлари харажатлари” ишчи счётини очишни тавсия қиламиз.

Бу борада содир бўладиган хўжалик жараёнлари бухгалтерия ҳисобида қуйидагича ҳисобга олинши мумкин:

1. Илмий текшириш ва тажриба-конструкторлик ишларига харажат қилинганда (ҳисобот даврида):

Д^Т 3130 – “Илмий текшириш ва тажриба-конструкторлик ишлари харажатлари” счёти

К^Т 0200– **Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар**

К^Т 0400– **Номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар**

К^Т 1000– Материаллар счётлари

К^Т 6700 – Мехнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китобларни

ҳисобга олувчи счётлар.

2. Илмий текшириш ва тажриба-конструкторлик ишларига харажатлар натижаа сига кўра кейинги ҳисобот даврида ҳисобдан чиқарилса:

Ишлаб чиқаришга тегишли бўлса (ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига қўшилса)

Д^Т 2010 – “Асосий ишлаб чиқариш харажатлари” счёти

К^Т 3130 – “Илмий текшириш ва тажриба-конструкторлик ишлари харажатлари” счёти.

Ишлаб чиқаришга тегишли бўлмаса (ҳисобот даврининг охирида корхонанинг молиявий натижалари ҳисобидан қопланса)

Д^Т 9400 – “Давр харажатлари” счёти

К^Т 3130 – “Илмий текшириш ва тажриба-конструкторлик ишлари харажатлари” счётлари бўйича бухгалтерия ёзувини бериш тавсия этилади.

Хулоса қилиб айтганда, рисклар бўйича харажатлар ҳисобини ташкил қилишда биз таклиф қилган усул ва тартибдан фойдалаш хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижалари тўғри аниқлаш ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини тўғри аниқлашга олиб келади. Шунингдек, таклиф қилинган ишчи счётлар таркиби ва иккиёқлама ёзув тартиби рисклар бўйича харажатлар тўғрисида аниқ маълумот олишга ҳамда уларни тўғри ҳисобдан чиқариш имкониятини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги «Маҳсулотларни (иш ва хизмат) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш таркиби тўғрисида»ги №54-сонли Қарори.

2. Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, Тўплам. Т.: ЎзР БАМА нашриёт маркази. 2012 йил.

3. Серов А. **Какие бывают риски в бизнесе?** solidartrade.ru

4. [Султанов И.А.](#) Управление **рисками**. projectimo.ru